

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
“Хитойшунослик ва Кореяшунослик” кафедраси**

“Корея иқтисодиёти” фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ

“Кореяшунослик” бакалавр йўналиши,
3 курс корейс-инглиз гуруҳи талабаси

Абдулхакова Камилла Холмуродовна

Илмий раҳбар: _____

Топширилган сана: _____

Ҳимоя санаса: _____

Баҳо: _____

Илмий раҳбар имзоси: _____

ТОШКЕНТ – 2011 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ВА ҚАЙТА ҚУРИЛИШИ.....	6
1.1. Корея Республикаси саноатининг ижтимоий-иқтисодий модернизациялашуви ва таркибий ўзгаришлари (1960 – 1980 йиллар)....	6
1.2. Корея Республикасида қайта ишлаш саноати ривожланиши ва қурилиши.....	13
1.3. Корея Республикаси саноати тузилмасини қайта қуриш ва технологик модернизациялаш.....	16
2-БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ХУДУДЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	25
2.1. Корея Республикаси саноатида Шарқий ва Марказий худудларнинг тутган ўрни.....	25
2.2. Корея Республикаси саноатида Жануби-ғарбий ва Жануби-шарқий худудларнинг тутган ўрни.....	27
2.3. Кэсон саноат мажмуасининг Корея Республикаси саноатидаги истиқболи.....	29
ХУЛОСА	31
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	33

КИРИШ

Жанубий Корея индустриялаштириш жараёни ишлаб чиқариш тузилмасида ва иш билан банд этиш тез ва чуқур ўзгаришлар билан амалга оширилган. 1966—1989 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши 42%дан 9%гача тушиб кетган, ундаги банд кишилар сони эса 53%дан 19%гача камайган (абсолют рақамларда 4,6 миллион кишидан 3,4 миллион кишигача). Саноат тармоқдарининг улуши (қурилишни ҳам ҳисобга олганда) 24 дан 45%гача ўсган, иш билан бандлик нисбати эса 14 дан 34%гача кўтарилган (1,3 дан 6 млн. кишигача).

Озодликдан кейин Жанубий Корея буржуазияси АҚШ нинг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий қўллаб-қувватлашигатаянган ҳолда нисбатан қисқа вақт ичида давлат ҳокимиятини эгаллаб олди ва ҳукмдор синф сифатида ўз конституциясига ҳам эга бўлди. Қуйи табақаларнинг умумдемок-ратик ҳаракатларини бостирар экан, у «оқ» инқил обдан умид қилар эди. Бу «оқ» инқилобнинг моҳияти шундан иборатки, афар соҳада кескин ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида помешчикларнинг ерга эгалигини тугатиб, майда деҳқон хўжаликларини тузиб мазкур тузумнинг содиқ ижтимоий таянчини барпо этган, собиқ помешчиклар эса ерлари учун пул олганларидан кейин буржуазия вакиллари синфини тўддирганлар. Натижада бутун иқтисодий маконда капитализмнинг кенг кўламда тараққий этиши учун йўл очиб берилган эди. Маҳаллий буржуазия ихтиёрига япон ишлаб чиқариш воситалари ўтган ва маҳаллий хусусий капитализмнинг оёққа туриб олиши учун пойдевор бўлган.

Тараққиётнинг олинган ривожланиш омиллари (колониал ўтмишнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий «қилмишлари», аграр ислоҳот, америка субсидиялари) капиталистик иқтисодиётнинг ҳам замонавий, шунингдек анъанавий укладларини бир вақтнинг ўзида, деярли баравар ташкилланишига ва ривожланишига таъсир кўрсатди.

Корея Республикасининг иқтисодиёти ўзининг кўлами жиҳатидан дунёда 10-ўринда туради ва кўп жиҳатдан муваффақият намунаси бўлиб хизмат қилади. 2008 йилда савдо ҳажми 545 млрд. долл. ташкил этди ва дунёда 12-ўринни эгаллади. Шу қаторда Корея Республикаси валюта захирасининг ҳажми бўйича дунёда тўртинчи ўринда туради. Нефть баҳосининг юқорилиги, вонанинг кучлилиги ва хом-ашё нархининг ошишига карамай, Корея республикасининг иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. Корея Республикаси дунёдаги энг йирик кemasозлардан биридир: ярим ўтказгичлар ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринда, рақамли электрон апаратлар ишлаб чиқариш бўйича эса тўртинчи ўринда туради. Тўқимачилик, нефть-кимё, пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича мамлакат бешинчи ўринни эгаллайди, автомобил ишлаб чиқариш бўйича дунёда олтинчи ўринни эгаллайди. Сўнгги уч йил ичида кemasозлик соҳаси Жанубий Корея саноатининг етакчиси бўлиб келмоқда.

Жаҳонда йирик автомобил ишлаб чиқарувчи деб ҳисобланган Корея Республикаси йилига уч миллиондан ортиқ автомашина ишлаб чиқаради. 1976 йилдан сўнг, мамлакат биринчи марта автомобил экспорт қила бошлагач, автомобилсозлик жадал ривожланиб кетди.

1960 йиллардан бошлаб Корея Республикаси тегишли қонун ва қоидалар қабул қилиб, экспортни рағбатлантиришга қаратилган ривожланиш режаларини ривожлантира бошлади. 1970 йилларда асосий кимё саноати мамлакат иқтисодий сиёсатининг диққат марказида бўлди, 1980 йилларда эса саноат тизимини қайта қуриш ишлари ўтказилди. Бундан асосий мақсад - кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришга қаратилган эди.

2000 йилдан бошлаб технологиялар ва янгиланиш мамлакат олдида турган масалалар ичида биринчи ўринга чиқди. Янги технологияларни саноатга татбиқ этиш учун Корея Республикаси фаол ишбилармонлик билан боғлиқ бўлган соҳаларни, шунингдек катта компаниялар, кичик ва ўрта корхоналар билан ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган сиёсатни илгари сурди. Қисқа муддатлар ичида самарали ўсиш тажрибасига эга бўлган Корея

Республикаси ҳозирги кунда ўз диққати ва ҳаракатини “ўсиш сифати”га қаратмоқда.

Корея Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги 15 йил ичида икки баробарга ўсди. 2008 йилда 4,8 тонна шоли етиштирилди. Мамлакатда мева, сабзавот ва бошқа даромад келтирувчи экинлар етиштириш ҳам ўсди, гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бериш ортди.

Саноатнинг ривожланиши қишлоқ аҳолиси сонининг камайиб кетишига олиб келди. Бу муаммоларни ҳал этиш, қишлоқ ҳудудларда ишчи кучи етишмаслиги муаммосини ҳал этиш мақсадида фермер хўжаликларини механизациялаштириш бошланди. 1970 йилларнинг бошларида мамлакатда ўрмонларни тиклаш дастури амалга оширила бошлади, бу дастур янги дарахтлар экиш, тоғли ҳудудлардаги эски ўрмонларни сақлаб қолишдан иборат. Бундан ташқари, касалга ва зараркунанда ҳашоратларга чидамли дарахт турларини келтириб чиқариш устида иш олиб борилмоқда.

1-БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ВА ҚАЙТА ҚУРИЛИШИ

1.1. Корея Республикаси саноатининг ижтимоий-иқтисодий модернизациялашуви ва таркибий ўзгаришлари (1960 – 1980 йиллар).

Жанубий Кореянинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бир шаклдан ккинчисига ўтишининг шарт-шароитлари колониал ўтмишдаёқ вужудга келган эди. 1945 йилда озод-ликка эришган вақтга қадар мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилган дехқонларни ярим феодал ҳолда эксплуатация қилаётган тузум узундан-узок, чуқур инкирозни бошидан кечираётган, амалда жон талвасасига тушиб қолган эди. Аммо шаҳар иқтисодиётида капиталистик муносабатлар жадаллик билан барча соҳаларни қамраб улгурган эди. Гарчи колонизаторлар замонидан қолган фабрикалар ишлаб чиқаришнинг етакчи корхонаси бўлса ҳам (бу ерда маҳаллий пролетариатнинг энг йирик катлами жамланган эди), миллий буржуазиянинг шаклланиб келаётган вакиллари, шунингдек, йирик копрдорларнинг, яъни маҳаллий воситачи савдогарларнинг озчиликни ташкил қилувчи гуруҳи шаклланиб қолган эди.

Озодликдан кейин Жанубий Корея буржуазияси АҚШ нинг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий қўллаб-қувватлашигатаянган ҳолда нисбатан қисқа вақт ичида давлат ҳокимиятини эгаллаб олди ва ҳукмдор синф сифатида ўз конституциясига ҳам эга бўлди. Қуйи табақаларнинг умумдемок-ратик ҳаракатларини бостирар экан, у «оқ» инқил обдан умид қилар эди. Бу «оқ» инқилобнинг моҳияти шундан иборатки, афар соҳада кескин ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида помешчикларнинг ерга эгалигини тугатиб, майда дехқон хўжаликларини тузиб мазкур тузумнинг содиқ ижтимоий таянчини барпо этган, собиқ помешчиклар эса ерлари учун пул олганларидан кейин буржуазия вакиллари синфини тўддирганлар. Натижада бутун иқтисодий маконда капитализмнинг кенг кўламда тараққий этиши учун йўл очиб

берилган эди. Маҳаллий буржуазия ихтиёрига япон ишлаб чиқариш воситалари ўтган ва маҳаллий хусусий капитализмнинг оёққа туриб олиши учун пойдевор бўлган.

Собиқ колониал мамлакат учун бир вақтнинг ўзида иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш, ишлаб чиқариш ва иқтисодий инфратузилмаларни барпо этиш билан боғлиқ объектив қийинчиликлар 1950—1953 йиллардаги уруш ва унинг оқибатлари натижасида янада мураккаблашиб кетди. Шимолий Корея ва собиқ колониал метрополия билан иқтисодий алоқаларнинг узилиб кетиши ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бундай вазиятларда аксарият аҳолининг қашшоқлиги сабабли жамғармалардаги молиявий базанинг ночорлиги объектив равишда бутун такрор ишлаб чиқариш механизмини қайта барпо этиш ва таъминлаш мақсадида четдан моддий-молиявий ресурслар жалб этилишини тақозо қилар эди. Бу муаммони ҳал қилишда, АҚШнинг қайтариб бермаслик шарти билан ажратилган субсидиялар шаклидаги иқтисодий ёрдами ҳал қилувчи ролни ўйнади. Масалан, 1953—1963 йиллар давомида АҚШ ажратган субсидиялар (3 млрд. доллар атрофида) ЯИМнинг 13%, ички жамғармаларнинг 96%, давлат харажатларининг қарийб 76% ва импортнинг тахминан 40%ини ташкил қилган.

Тараққиётнинг олинган ривожланиш омиллари (колониал ўтмишнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий «қилмишлари», аграр ислоҳот, америка субсидиялари) капиталистик иқтисодиётнинг ҳам замонавий, шунингдек анъанавий укладларини бир вақтнинг ўзида, деярли баравар ташкилланишига ва ривожланишига таъсир кўрсатди.

Ва, ниҳоят, ижтимоий, маданий, маънавий муҳит билан боғлиқ вазиятни алоҳида назарда тутиш керак. Миллий ўзликни ва миллий қадриятларни англашдаги чуқур ўзгаришлар, ҳаракатлар сабабларидаги чуқур ўзгаришлар, халқ оммаси ижтимоий онгида ижобий ўзгаришлар содир бўлишига туртки берди. Жамиятда ишбилармонлар, тадбиркорликнинг ва олий маълумотли мутахассислар обрўси орта борди. Шу билан бирга

конфуцийликдан мерос бўлиб қолган амаддорларга итоаткорлик ва давлат идораларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш каби корейларга хос улум сақланиб қолаверди. Бу жараёнлар жамиятнинг ижтимоий муҳити ва барқарорлигига кўмак берди.

Озодликни қўлга киритган кўпчилик мамлакатлар каби Жанубий Корея тараққиёти стратегияси замида иқтисодиётнинг индустриал тармоғини модернизациялаш концепцияси ётади. 50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошида қайта тиклаш даврининг мураккаб ва қийин шароитида, шунингдек саноат соҳасидаги импорт ўрнини босадиган тармоқларнинг ривожланиш заруратини тақозо этган. 1955—1963 йилларда импортнинг ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқарилиши туфайли қайта ишлаш саноати ўсиши 35% таъминланган бўлса, экспорт тармоқларининг қўшган улуши атиги 11%ни ташкил қилган холос (ички ўсиши омили — 54%). 60-йилларнинг иккинчи ярмида индустриялаш модели алмаштирилди.

Экспортни мўлжаллаган саноат тури ва миқдорининг ортиши Жанубий Кореяни янги индустриал мамлакатлар қаторига киритиш учун асос берди. 70-йилларнинг ўрталарида экспорт тармоқлари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ўсишнинг 38% ини, импортнинг ўрнини босадиган тармоқлар эса — атиги 2% ини таъминлаган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган устуворликлар кўплаб шарт-шароитлар туфайли, биринчи навбатда табиий ресурс жуда озлиги, ишлаб чиқариш бошқарувидаги кадрлар заифлиги, шунингдек, импортнинг ўрнини босадиган хом ашёнинг йўқдиги туфайли ўзгартиришлар талаб қилинган эди.

Ички бозорнинг пировард истеъмол ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан тўйина бориши тўлов қобилиятига эга бўлган талабнинг эса сусткашлик билан ўсиши, жамғариш меъёрининг ортиши ишлаб чиқариш кучларининг бундан кейинги ўсиши учун тўсиқ бўлиб бораверган. Бундан ташқари, оралик маҳсулотларнинг четдан келтирилишининг орта бориши ўта тақчил бўлган валюта маблағларининг катта миқдорда сарфланишини талаб

килаверган, бу пировард натижада миллий ишлаб чиқариш самарадорлигининг тушиб кетишига, ташқаридан молиялаштириш манбаларига тобора қарам бўлишига олиб келган. Шу муносабат билан «ўз-ўзини кўллаб-қувватлайдиган» тадбирнинг такрор ишлаб чиқариш механизмини барпо этиш муаммоси ўта кескинлашиб кетган, чунки импортнинг ўрнини босиш, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Америка субсидиялари билан мослаштирилар эди, уларнинг келиб тушиши эса объектив тарзда ҳажмига ва муддатларига кўра меъёрлаб қўйилган эди. Ва, ниҳоят, урбанизациянинг гуркираб кетиши (аграр ислохотларнинг ижтимоий натижаси) ва ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши шароитида демографик портлаш ижтимоий тарангликнинг ортиб кетишига сабабчи бўлган.

Экспорт модели томон бурилиш, яъни «очик» иқтисодиётнинг рақобатдош механизмини барпо этиш томон бурилиши, миллий хўжаликни халқаро капиталистик меҳнат тақсимотида (ХКМТ) иштирок этиш устунликларидан фаол фойдаланишни кўзда тутди. Индустрияни тараққий эттиришнинг экспортга каратилиши иш билан бандликнинг анчагина кўтарилиши учун зарур шарт-шароитларни яратади, яъни бу Жанубий Кореядаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг асосий элементларидан — меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга имконият яратди. Дехқончилик билан шуғулланиб келган аҳолини индустриал тармоқларга ўтказилиши ишлаб чиқариш унумдорлигининг ошишини, миллий даромаднинг ўсиш суръатининг ортишини, экспортнинг ўсишини, шундай экан хориждан валюталарнинг ҳам келиб тушишининг ортишини, замонавий технологияларнинг ўзлаштирилишини тақозо этган. Шундай экан, бутун ижтимоий-иқтисодий тузилмани туб ислоҳ қилишнинг, ижтимоий тарангликни юмшатиш, халқаро капиталистик меҳнат тақсимоти кўламида иқтисодий мустақиллик сарҳадларига чиқишнинг истиқболлари очилган.

Жанубий Кореяни индустриялаштириш жараёнида саноат тараққиётининг учта асосий босқичи кузатилади ва уларнинг изчиллик билан алмашинуви экспортни мўлжаллаган моделнинг ва импортнинг ўрнини

босиш омилларининг муайян мужассамлашуви билан, инвестицияларнинг тармоқдар бўйича тақсимланиши билан, технологик жараёнлар технологияси билан, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг ташкилий томонлари билан боғлиқ бўлган. 60-йилларда индустриал тараққиётнинг суръатини ва иисбатини энгил саноатдаги кўп меҳнат талаб қиладиган гармоқларнинг, энг аввало тўқимачилик, пойафзал, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш тармоқларини тез ривожланишига қаратилган бўлиб, уларнинг ҳисобига қайта ишлаш корхоналарига ажратилган инвестицияларнинг қарийб ярми ва деярли шартли-соф маҳсулотларнинг 2/3 қисми тўғри келган. Айнан шу кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқдар экспорт ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиб қолганди ва шунда ҳам уларда асосий етакчилик ролини импортнинг ўрнини босадиган товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва давлат томонидан кўллаб-қувватлаш учун ажратилган «хамиртуруши»дан фойдаланиб оёққа туриб олишни корхоналар ўйнаганлар.

70-йилларда саноат соҳалари тузилмаларида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Иккинчи импортнинг ўрнини босиш, деб номланган жараёнда нефт ва кимё, қора металлургия, кемасозлик, автомашиналар йиғиш, шунингдек маиший электроника саноатлари жадаллик билан ривожлана бошлади. Бироқ, кўп материаллар ва энергия талаб қиладиган тармоқларни ривожлантириш учун ката микдорда сармоя ажратилишига олиб келган ва натижада 70-йилларнинг иккинчи ярмида жамғариш меъёридаги ўсишини буткул қолдиқсиз «еб қўйди». Айни шу инвестиция «зўриқиш» ва структуравий қайта куриш даври энергия манбаларининг тез қимматлашиб бориши (1973 ва 1979), шунингдек, ишлаб чиқаришда кўлланадиган импорт товарларининг қимматлашиши, индустриал мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг тушкунликка дуч келиши ва протекционизмнинг кучайиши даврига тўғри келди. Натижада, хорижий қарзлар кескин ўсиб турган бир пайтда ЯИМ ўсиши суръати деярли икки бараварга тушиб кетган (1-жадвалга қаралсин).

Жанубий Корея индустриялаштириш жараёни ишлаб чиқариш тузилмасида ва иш билан банд этиш тез ва чуқур ўзгаришлар билан амалга оширилган. 1966—1989 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши 42%дан 9%гача тушиб кетган, ундаги банд кишилар сони эса 53%дан 19%гача камайган (абсолют рақамларда 4,6 миллион кишидан 3,4 миллион кишигача). Саноат тармоқдарининг улуши (қурилишни ҳам ҳисобга олганда) 24 дан 45%гача ўсган, иш билан бандлик нисбати эса 14 дан 34%гача кўтарилган (1,3 дан 6 млн. кишигача).

Жанубий Кореядаги индустриялаш моделининг мустақилликка эришган бошқа мамлакатлардаги саноат тараққиётидан асосий фарқи шундаки, индустриал маҳсулот ишлаб чиқаришни ишчилар сонини кўпайтириш ҳисобига амалга оширибгина қолмай (бунинг ўзи гарчи жуда ахамиятли бўлса ҳам), ушбу тадбирни амалга ошириш туфайли эришилган ижтимоий натижаларда бўлган. Бу ҳақда 1-жадвалда келтирилган маълумотларга қараб хулоса чиқариш мумкин. Унда, Жанубий Кореядаги ижтимоий-иқтисодий эволюция динамикаси аниқ кўрсатилган. Энг аввало, жамиятдаги урбанизация суръатининг юқорилиги, шунингдек, меҳнат ресурсларининг анчагина қисми қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган ҳозирги замон саноат соҳаларига ўтиб кетиши билан киши диққатини ўзига тортади.

1-жадвал

Шаҳар аҳолиси ўсишининг, саноатдаги бандликнинг ва ЯИМ структурасидаги индустриал маҳсулотларнинг динамикаси

Динамика кўрсаткичлари	1985	1990	1995	2000	2008
Шаҳар аҳдлиси млн. киши	26,7	31.8	37.6	42.5	47.9
Жами аҳоли сонига нисбати, % ҳисобида	65,3	73.8	81.7	89.4	107.4

Индустриал тамоқлардаги иш билан бандлик минг киши хисобида	4562,0	5122.0	5679	6781.0	8562.0
Иш билан бандликнинг аҳоли умумий сонига нисбати, %	30,5	34.5	40.6	46.3	53.9
Индустриал маҳсулотнинг ЯИМдаги улуши, % хисобида	40,7	48.5	54.6	60.4	65.8

Қуйидагиларга кўра тузилган ва ҳисоблаб чиқарилган:

1. Korea Statistical Yearbook. 20000. Seoul. 1998.
2. UNIDO. Industrial Development Review Series. The Republic of Korea Vienna, 1987с.2.16: Country Profile. South Korea.
3. The Economist intelligencevnit. 2000—2006. L/ 1987x78;
4. Statistical Yearbook of Asia and Pacific, 1986—1987/ Bangkok, 1988. с 266—228 Hasan P/RaoD.C. Korea Poliyay issves for
5. Long Term Development (Б.М) 1979. с 26.110.

1.2. Корея Республикасида қайта ишлаш саноати ривожланиши ва қурилиши

1966—1985 йилларда деҳқонларнинг кўчиши натижасида, шунингдек, аҳолининг табиий кўпайиши натижасида, шаҳар аҳолиси сони 2,7 мартага ортган, ўртача йиллик ўсиш суръати эса 5,3% бўлиб турган. 80-йилларнинг ўрталарига келиб жами аҳолининг 2/3 қисми шаҳарларда жамланиб қолган, шу билан бирга энг йирик тўрт шаҳарда (Сеул, Пусан, Тагу ва Ичхон) жами шаҳар аҳолисининг 62% тўпланиб қолган. Шаҳарларга меҳнат ресурсларининг кўплаб оқиб келиши (1960—1982 йилларда кишлок миграцияси 12 миллион кишини ташкил қилган) саноат тармоғида ишчи кучига бўлган талабнинг ортиб кетиши ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаси туфайли содир бўлган. Ахрлининг жадаллик билан ўсиши капитал сармоялар қўйиш ва давлат томонидан аниқ мақсадларни кўзлаган иктисодий сиёсат ўтказилиши учун қулай шароит яратди. Юқорида айтиб ўтилган йиллар мобайнида иш билан бандлик индустриал тармоқларда 4,1 мартага ортган ва бунда ўсишнинг бир йиллик суръати 7,6% бўлган. Шу тариқа Жанубий Кореядаги индустриал аҳолининг ўсиш суръати мустақилликка эришган бошқа давлатлардагига нисбатан анча илдамлаб кетган ва урбанизация кўрсаткичларига тенг келадиган даражада юқори бўлган.

Синфларни вужудга келтирадиган жараённинг бошқа хусусиятини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Чиндан ҳам у Жанубий Корея капитализмининг оёққа туриб олишига имкон берган, шунингдек, ҳозирги замон (шаклланган) шаҳар секторида иш билан бандлик норасмий секторга нисбатан (ишловчиларининг сони 10 кишидан оз бўлгандагига нисбатан) тезроқўсган. 1965—1983 йилларда юқорида таъкидлаб ўтилган секторлардаги иш билан бандлиликнинг ўсиш суръати тегишлича 9,1 ва 6,4%ни ташкил қилган ва шунинг учун ҳам бу соҳаларда ишлаётганларнинг сони астасекин тенглашган (1983 йилда тегишлича 4 ва 5 млн. киши).

Ниҳоят, шуниси диққатга сазоворки, мустақил хўжаликларнинг ва оилавий пудратчиларнинг мутлақ сони ўсганда қайта ишлаш саноатидаги бандлилик улуши (1963—1983 йилларда 34,2%дан 16,7%гача) қисқарган, учинчи соҳаларда эса уларнинг сони оз бўлса-да ўсган (42%дан 44%гача).

Шундай қилиб, ишчилар кучининг кўпчилик қисми жадалрок суръатлар билан ривожланаётган индустриал (ҳозирги замон) ишлаб чиқариш тизимига, тараққий этган хусусий капиталистик тадбиркорлик тармоғига жалб этилган. Индустриал тармоқ ишчилар нуфузи ҳам ўсган, гарчи унинг ўсиш суръати ЯИМдаги индустриал маҳсулотнинг ўсиш суръати каби бўлмаса ҳам, улар ўрталарида ўзаро алоқадорликнинг мавжудлиги етарли даражада кузатилган. Ҳар ҳолда, айтиб ўтилган кўрсаткичлар улушининг индустриал маҳсулот фойдасига оғиши алоҳида олинган даврлар бўйича 5—11% ораликца ўзгариб турган, бу эса, умуман олганда, ғарбдаги айрим давлатларнинг ҳамда Лотин Америкасидаги бирмунча тараққий этган давлатларнинг кўрсаткичларига тўғри келади (алоҳида олинган йиллар бўйича эса ҳатто озроқ бўлиб ҳам чиқади).

Шундай қилиб, Жанубий Кореяни индустриялаш жараёнида ишлаб чиқариш тузилмасида ҳам, ижтимоий тузилмада ҳам бир текис ўзгаришлар, силжишлар содир бўлган, бу эса саноатда туб ўзгаришлар амалга оширилганидан ва у юқори даражага кўтарилганлигидан далолат берди.

Аграр сектордаги вазият бирмунча бошқачароқ кечди. 1948—1954 йиллардаги аграр ислохотлардан кейин Жанубий Корея қишлоқларида парцелляр, яъни деҳқон хўжаликлари ўтказилган парчаланиб кетган ердан фойдаланиш ва ерга эгалик қилиш қарор топди, у 60-йилларнинг ўрталарига келиб барқарор бўлиб қолди ва шу даврдан бошлаб сезиларли даражада ўзгаришлар рўй бермади. Ер ислохоти тўғрисидаги Қонунда ерга эгалик қилишнинг энг юқори кўрсаткичи (3 гектардан ортиқ бўлмаган) белгилаб қўйилган ва ерни сотиш ва ижарага бериш ман этилган. Бундай чекловларнинг моҳияти, помешчикларнинг ерга эгалиги тугатилганидан кейин деҳқонларнинг мол-мулкига кўра қатламлашиб кетишини

секинлаштириш, қишлоқдаги ижтимоий тарангликнинг кескинлашиб кетишига йўл қўймаслик эди.

Аммо бирмунча маҳсулдор деҳқон хўжаликларини шакллантириш билан боғлиқ объектив зарурат тез орада ерни ижарага бериш, кейинроқ эса ер олди-сотдисини қайта йўлга қўйилишига олиб келди. Натижада, деҳқон хўжаликлари қисқара бошлаган бир пайтда (1965—1989 йилларда 2,5 млндан 1,8 млн гача) деҳқон хўжаликлари ва фермерчилар типларидаги юқори катламлари шаклланди. 1965—1981 йилларда қишлоқнинг ижтимоий тузилиши қуйидагича ўзгарган: «мустақил фермерларнинг» миқдори (улуши) 69,5%дан 53,6%гача, мулкдор ярим ижарачилар улуши 23,5%дан 41,8%гача, ижарачиларнинг улуши 7%дан 4,6%гача қисқарган. 80-йилларнинг ўрталарида, умуман олганда, хўжаликларнинг барча гуруҳлари бўйича 45% деҳқон хўжаликлари ерни ижарага олганлар, шу даврнинг ўзида шудгорланадиган ер майдонининг тўртдан бир қисми ва ишлов бериладиган ер майдонларининг деярли учдан бир қисми ижарага берилган (500 минг атрофида).

Ердан фойдаланишнинг ва ерга эгалик қилишнинг парцеллярлиги (майдалашиб кетганлиги), шунингдек, меҳнат Давлат олиб борган сиёсат ишлаб чиқариш тузилмаларини такомиллаштиришга ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига имкон берди. Хусусан, 60—80-йилларда деҳқончиликнинг улуши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида 88%дан 72%гача озайган, чорвачиликнинг улуши эса 28%гача ортган, гарчи унинг тараққий этиш ҳажми мамлакат талабларини қаноатлантирмаётган бўлса ҳам, минерал ўғитларни қўллаш кескин ортган (80-йилларда ҳар гектар ерга 386 кг.дан тўғри келган ва бу кўрсаткич Осиёда энг юқори бўлган) шолининг (ўғитни яхши ўзлаштирадиган), юқори ҳосил берадиган навлари жорий этилди, қишлоқхўжалик ишларининг кўп қисми механизациялаштирилди. Шоли ҳосилдорлиги кўпайиб, жами ҳосил миқдори ҳам сезиларли даражада ортди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб, амалда уларни хориждан импорт қилиш зарурати қолмади. Бироқ буғдой ва чорва ҳайвонларига бериладиган

ембоп ғаллани импорт қилиш эхтиёжи ҳар доим орта борди. 1998 йил маълумотларига қараганда, мамлакат ўзини ғалла билан атиги 39%га (озиқ-овқатга ишлатиладиган ғалла бўйича 65%га) таъминлаган.

Жадал индустриал ўсиш аҳоли даромадларининг ҳам ортишига, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотига қиладиган харажатларининг ҳам ўсишига олиб келди. Истеъмол қилинаётган таомларнинг калориялилик даражасининг тинмай ошиб борганлиги ҳам шундан далолат беради. 1984—1996 йилларда аҳоли жон бошига етиштирилган озиқ-овқатларнинг бирлиги бир кунда 2875 килокалорияга тўғри келган ва бу 1966—1968 йиллардаги 2204 ккал ва 1962 йилдаги 1943 ккалга нисбатан кўпайган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари учун ва чорва молларига бериладиган ғалланинг тақчиллиги уларни четдан импорт қилиш эхтиёжини туғдирди, бунинг харажати эса тайёр саноат молларини экспорт қилиш билан тўлашга тўғри келди. Майда товар ишлаб чиқариш типидagi хўжаликлар кўпчиликини ташкил қиладиган аграр сектордан фарқ қилган ҳолат Жанубий Кореянинг шаҳар иқтисодиётида хусусий капиталистик тадбиркорликнинг маҳаллий тараққиёти 60-йилларнинг ўрталарига келиб етакчи позицияни эгаллаган.

1.3. Корея Республикаси саноати тузилмасини қайта қуриш ва технологик модернизациялаш

Жанубий Кореянинг ўн йилликлар мобайнида жадаллик билан экспортни мўлжаллаган ҳолда тараққий этиш давридан кейин иқтисодиёт бирмунча вазмин ўсиш босқичига кирди. Бу бир қатор объектив сабабларга ва жадаллаштирилган иқтисодий ўсиш йиллари давомида тўпланган ва ўз ечимини кутиб турган муаммолар билан боғлиқ эди. Тараққиётнинг экспорт йўли тарафдорларининг берган тавсияларига қатъий амал қилган ҳолда Жанубий Корея 80-йилларнинг охирига келиб танланган ушбу иқтисодий йўл тўғри эканлиги ва ижобий натижалар келтирганини исботлади.

Жанубий Корея иктисодиётида экспортни мўлжаллаган моделнинг амалга оширилиши натижасида маълум бир тармоқтузилмаси вужудга келди, унда устуворлик саноатга тегишли бўлган. Индустриалашнинг экспортни кўзлаган тури саноат сектори тармоқлари маҳсулотларининг мамлакат ЯИМдаги улушининг кескин кўпайиб кетишига олиб келди. 1963 — 1990 йиллар ичида у 16,3%дан 34,0% кўпайган ва бу билан, энг аввало, қайта ишлаш саноатининг барча тармоқлари жадал ривожланган ва кенгайтирилган. Жумладан, юқорида тилга олинган 34,0 фоизнинг 33,5% қайта ишлаш соҳалари ҳиссасига тўғри келди. 1992 йилда саноат секторининг ўсиш суръати бирмунча секинлашиб қолди ва бу дарҳол унинг ЯИМдаги улушининг 29,4% гача, қайта ишлаш саноатида эса — 29,0% гача тушиб кетишига олиб келди.

Юзаки қараганда, Жанубий Кореянинг барча муаммолари унинг саноат тараққиёти асосан экспортни мўлжаллаганлиги билан боғлиқдек туюлади, яъни унинг 80-йиллардаги экспортни мўлжаллаган моделининг барча манфийлари 90-йилларга келиб мусбатларга айлангандек кўринади. Жанубий Корея иктисодиётига жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг ўзгариши сезиларли даражада зарба берди, ва бу унинг экспорт фаоллигининг тушиб кетишига сабаб бўлди.

Ҳозирги пайтда Жанубий Корея саноат секторида экспорт жаҳон бозори талабларига жавоб бермай қолди, Жаҳон бозорида касодга учраши сабабларидан бири – Жанубий Корея экспорт киладиган маҳсулотларнинг сифати нисбатан юқори бўлмаса ҳам, бир қатор ҳолларда эса эскирган стандартларга кўра (айниқса Японияда ишлаб чиқарилган айти шу каби товарларга нисбатан) ишлаб чиқарилган товарлар экспорт нархларининг юқорилигидадир. Жанубий Корея тараққиётини таъминлаган муҳим омиллардан бири бўлмиш м&такали ишчи кучининг арзонлиги ҳам таъсир килмай қолган: иш ҳақининг етарли даражада ўсиши (1988 — 1991 йилларда йилига ўртача 20% дан) Жанубий Кореяни 20 йилдан ортиқ вақт ичида кўп

меҳнат талаб киладиган маҳсулотларни экспорт қилишини кенгайтиришга имкон берган устунлигидан маҳрум қилган.

Кейинги йилларда экспортни мўлжаллаб индустриалаш йўлини танлаган ва жаҳон бозорини, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилаётган товарлар билан қиёслаганда, бирмунча арзонроқ маҳсулотлар билан тўлдириб юборган бошқа Осиё мамлакатлари билан рақобат кескин тус олди. Жаҳон экспортида аввал эгаллаб турган салмоқли мавқенинг аста-секинлик билан бой бериб қўйилиши Жанубий Кореяни юзага келган вазиятнинг мамлакат ичкарисидаги сабабларини жиддий таҳлил қилишга мажбур қилди. Олдинга қараб жуда илдамлаб кетиш ва йўл қўйилган жиддий хатолар Жанубий Корея иқтисодий ўсиши стратегиясида кўп марта кузатилган. Бу маънода иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаган оғир саноатни бор куч ва имкониятларни ишга солиш воситасида зўрма-зўраки ривожлантириш учун қилинган уринишлар ва Пак Чонхи хукмдорлик қилган кейинги йилларда кенг кўламдаги лойиҳаларга катта миқдорда маблағлар сарфланиши ибрат олишга арзийдиган кўрсаткичлардир. Жанубий Корея иқтисодиёти учун бу 1980 йилга келиб биринчи бор унинг ЯИМдаги улушининг ортиши эмас, балки қисқарганлиги қайд этилган. Экспорт салоҳиятини зўрмазўраки орттириш ички секторнинг анчагина орқада қолиб кетишига сабаб бўлди. Ўз навбатида унинг ривожланмай қолганлиги кўп жиҳатдан экспортга мўлжаллагак ишлаб чиқаришларни тараққий эттиришдаги узилишлар содир бўлишига олиб келди.

Пак Чонхи ва Чон Духван маъмуриятининг сиёсати биргина иқтисодий секторларда ва саноатда таркибий ўзгаришларга сабаб бўлиб қолмасдан, иқтисодиётнинг монополиялашуви жараёнига, барча ҳал қилувчи тармоқларнинг йирик саноат-молия гуруҳлари (чэболь) томонидан оғаллаб олинишига олиб келди. 60-йиллардан бошлаб давлат ҳокимиятининг бевосита раҳнамолиги остида кенг кулоч ёйиб юборилган фаол монополиялаштириш жараёни ўз навбатида Жанубий Кореянинг шу бугунги

кунда эгалик қилиб турган саноат ва бизнес тузилмаларининг барпо этилишида ўзининг ролини ўйнаганлигини таъкидлаб ўтиш жуда муҳимдир.

Жанубий Корея иқтисодиётида устунлик қилувчи мавқени эгаллаб турган чэболлар 60-йилларда мамлакатни индустриялаш жараёнида ҳаракатга келтирувчи куч бўлди, уларнинг ўсиб-улғайиши ҳукумат томонидан жуда кам фойдали шартларга кўра берилган кредитлари билан рағбатлантириб турилди. Бироқ уларнинг фаолияти кенгая боргани ҳамда турли тармоқдарни қамраб ола бошлаганликлари туфайли, чэболлар жуда ҳам йириклашиб кетди. Корпорацияларни торроқ даражада ихтисослашувга мажбур қилиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш учун бериладиган кредитлар ҳам чеклаб қўйилган эди, бироқ бу чеклашларнинг самарадорлиги кам бўлиб чиқди. Ўзга ришлар фақат мазкур корпорацияларга оилавий эгалик қилишда улуши қисқаргандагина содир бўлиши мумкинлиги тан олинган эди. Ушбу улкан корпорацияларнинг бундан ҳам кескин чоралар билан ислоҳ қилиниши бошқа фирмалар томонидан қилинадиган рақобатдан ҳимояланиш даражасини пасайтириб юборган бўлар эди.

Жанубий Корея иқтисодиётининг тобора ривожлана бориши натижасида уни марказлашган раҳбарлик томонидан бошқарилиши тобора қийинлаша борди. Но Тхэу президентлик давридаги демократик тартибларга ўтилиши касаба уюшмалари фаолияти устидан назорат қилишни бўшаштириб юборилишига олиб келган. Бир бутун иқтисодий тананинг зарурлигини ва унинг тараққиёти мувозанатли ташкил этилиши зарурлигини Сеул маъмурияти 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, Но Тхэу президентлик қилган йилларда тушуниб етди ва мамлакат иқтисодиёти тузилмаларини қайта қуришни бошлаб берган бир қатор ислоҳотлар амалга оширилган эди.

Иқтисодий тараққиёт стратегияси ва танлаган йўлини тўғри изга солиб турар эканлар уларни амалга ошириш чораларини бир неча бор ҳам кўрсатиб бердилар. Ҳокимиятдагилар давлат бошқарувини бозор бошқаруви билан алмаштириш учун уриниб кўришди. Бундай ислоҳ ёрдамида бошқарувчи

амаддорлар кўп меҳнат талаб қиладиган, сифати паст маҳсулотларни ишлаб чиқаригддан юқори технологик ишлаб чиқаришга ўтишни жорий этишга ҳаракат қилишди. Жаҳон бозорида Жанубий Корея кўп меҳнат талаб қиладиган маҳсулотларни экспорт қилувчи позициясини бой бериб, ривожланган давлатларнинг протекционизм билан ҳам, Осиёнинг янги индустриал давлатлари (НИС) рақобати билан ҳам тўқнаш келар экан, ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотни ўтказадиган «бўш бозор растаси»ни топиши зарур бўлиб қолди, чунки энди у тараққий этган капиталистик давлатларнинг имтиёзларидан фойдаланиб бўлган эди.

Жанубий Корея 90-йилларда тараққиётнинг энг жўшқин палласига кириб борди ва бу давр, бир томондан, Ким Ен Ссамнинг ҳокимият тепасига келиши муносабати билан демократиянинг кенгая бориши ҳамда бошқа томондан олиб қараганда, Корея Республикасининг тараққий этган капиталистик мамлакатлар қаторига қўшилишга интилиши билан белгиланади.

1992 йил Жанубий Корея учун жиддий синовлар ва жаҳон бозорида аввал қўлга киритилган мавқеини саклаб қолиш учун кураш йили бўлиб қолди. Мамлакат ҳукумати қаттиққўл молиявий сиёсатни ўтказди ва биринчи навбатда, иқтисодиётда барқарорликни қарор топтиришга, унинг алоҳида олинган тармоқдарининг ривожланишидаги ҳажмини тенглаштиришга, технологик модернизацияни амалга оширишга ва унинг ижтимоий жиҳатларга қаратилишига, нарх-наволарнинг ўсишини тўхтатиб туришга ва савдо балансидаги такчилликни анчагина озайтиришга қаратилган бир қатор чораларни амалга оширди.

Инфляция даражаси 5% дан ортмаган (таққослаш учун у 1990 йилда 9,4%ни, 1991 йилда эса 9,3%ни ташкил қилган). Бу кўрсаткичлар ҳукуматнинг хусусий сектордаги харажатларни ва селектив сиёсати натижасида қўлга киритилган инвестицияни мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарф қилинаётганлигини ўз иазоратига олди. Шу билан бирга, кўрилган бундай чоралар қайта ишловчи саноат

тармоқдарининг, яъни Жанубий Корея иқтисодиётининг экспорт сектори асосий тармоғининг тараққий этишини сушлаштириб юборди (уларнинг ўсиши 7 — 8 %ни ташкил қилган).

Нархларнинг барқарорлашувида етакчи ролни ички талабнинг қисқариши ва ер билан олди-сотти қилувчилар пайининг кесилиши маълум даражада ўйнади. Халқаро тўловлар ҳолатининг нисбатан соғломлашуви содир бўлган, ташқи савдо балансидаги тақчиллик икки мартадан ҳам кўпроқ — 1991 йилда 8,7 млрд. доллардан, 1992 йилда 4 млрд. долларга қисқарган. Ушбу олдинга қараб силжишлар Жанубий Корея иқтисодчиларига 1994 йилга келиб ижобий ташқи савдо сальдосига эришиш тўғрисида кўтаринки руҳдаги режаларни қилишга маълум бир асосларни берган. Ким Ен Самннинг 1993 йилда олдинга сурган «Янги Корея» дастурида иқтисодиётни қайта тартибга келтириш режаси кўзда тутилган бўлиб, у мамлакатнинг иқтисодий аҳволинигина яхшилаб қолмасдан, Кореяни бюрократик ҳокимият ботқоғидан чиқариб, уни бирмунча демократроқ бўлган давлатга айлантириб юбориши ҳам мумкин бўлган. Дастур давлат томонидан буйруқ бериладиган усулларга таянган эмас, балки шахсий ташаббускорликка асосланган ва янги деб номланган иқтисодиётни барпо этишга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг бир бутун мажмуасини тақлиф қилар эди. Молиявий эркинлаштиришга муҳим ўрин ажратилади. Банк тизими устидан давлат назорати, хусусан заёмларга фоизларнинг белгилаб қўйилиши сармояларнинг (капиталнинг) бесамара тақсимланишига олиб келган. Одатда, заёмлар бўйича ундириладиган фоизлар айни шу каби халқаро ставкаларга нисбатан 5-7 моддага юқори бўлар, бу эса компанияларни самарали равишда сармоя қўйиш имкониятларидан, шу жумладан энг янги тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш технологияларга маблағ сарфлаш имкониятидан маҳрум қилар эди.

Жанубий Корея саноати тузилмасининг технологик янгиланиши жараёнини таҳлил қилар эканмиз, унинг айниқса 1985—1989 йилларда, ҳукуматнинг нарх-наволарни барқарорлаштириш сиёсати биринчи ижобий натижалар бераётган даврда айниқса кенг қулоқ ёя бошлаганлигини

таъкидлаб ўтиш даркор. Айнан шу даврда қайта ишлаш саноатида қийинчилик билан жадаллашадиган ва кўп билимларни талаб этадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш хусусидаги тадқиқот ишларига йирик сармояларнинг сарфланганлиги кузатилган. Шу йилларда янги турдаги маҳсулотларнинг (ярим ўтказгичларнинг, видеомагнитофонларнинг, автомашиналарнинг, персонал компьютерларнинг, ташкилий техникаларнинг, микро тўлқинли печларнинг, магнитофон тасмаларининг ва шу кабиларнинг) ишлаб чиқарилиши соҳаларндаги ИТТКИ ишларига ҳар йилги инвестициялар ҳажми 82,5% дан ортган. Айни шу муддат ичида автомобилсозлик, электрон ва электротехник саноатдаги ИТТКИ га килинган харажатларнинг ўсиши тегишлича 168,7 ва 149,8% га етган.

Янги турдаги маҳсулотларнинг ялпи ишлаб чиқарилиши уларнинг тижорат жиҳатидан ишлаб чиқарилганидан кейин бошланган. Малакали муҳандислар, тадқиқотчиларга ҳамда ИТТКИ га капитал қўйилманинг юқори даражасига эга бўлган Жанубий Кореянинг қайта ишлови саноатини юқори даражадаги абсорбцион имкониятлари, оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши билан ялпи экспортни кенг қулоч ёйишига шароит яратди.

1985—1988 йилларда экспорт қиладиган асосий тармоқлар технологик ва кўп илм талаб қиладиган соҳалар бўлиб қолган. 1985 йилда электрон саноати 2,9 млрд. долларлик маҳсулотни экспорт қилган, бу эса мамлакатнинг угла йилда қилган жами экспорти ҳажмининг 9,5% ини ташкил қилган. Кейинги йилларда электрон саноати экспорти янада ортди ва 1988 йилда жами экспорт ҳажмининг 13% ини ташкил қилган. 1985 йилдан 1988 йилгача икки мартадан ҳам кўпайиб кетган. Бу меҳнат унумдорлигининг ортишини таъминлайдиган тўқимачилик саноатидаги янги жиҳозларга ва машиналарга килинган инвестициялар ҳажмининг ўсиши нағижаси эди. 1983—1985 йилларда бу тармоққа килинган ўртама йиллик инвестицияларнинг ўсиши 121,3% ни ташкил қилган.

Жанубий Корея ялпи истеъмолчиларга аталган юқори сифатли тўқимачилик буюмларининг ишлаб чиқарувчиси сифатида машхур бўлиб қолган. Ишлаб чиқариш қувватларининг янгиланишида тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар ҳам катта роль ўйнаган, уларнинг умумий ҳажми 1986—1989 йилларда қарийб 2,8 миллиард долларни ташкил қилган. Жанубий Кореяда хорижий сармояни жалб қилишнинг бу шакли мамлакат иқтисодиётида етакчи ролни ўйнамаган. Бироқ 1984 йилдан кейин, ҳукумат хусусий хорижий инвестицияларнинг мамлакатга кириб келишини эркинлаштириш бўйича бир қатор чораларни кўрганидан ҳамда авваллари хорижий сармоядорлар учун ёниқ бўлган соҳалар очиб қўйилганидан кейин, хорижий сармоядорларнинг Жанубий Кореяга бўлган қизиқишлари бирмунча ортиб кетган. Аммо 90-йилларда Жанубий Кореяда ишчи кучи қийматининг ортиши сабабли (биз бу ҳақда юқорида сўз юритган эдик) экспорт учун иш-лайдигак мамлакатнинг ишлаб чиқариш қувватларига сармоя сарфлаш хорижий сармоядорлар учун бошқа янги индустриал мамлакатларга нисбатан унчалик жозибали бўлмай қолган. Тузилган шартномалар ва келиб тушган хорижий инвестициялар жам қилинганда улар ўртасидаги фарқяққол кўзга ташланган. Жумладан, 1989 йилда расман рухсат берилган инвестициялар 1,09 млрд. долларни ташкил қилган бўлса, уларнинг амаддаги келиб тушиши атиги 812 млн. долларни ташкил қилган холос.

Саноатни технологик модернизациялаш муаммолари қайта қуришнинг барча таркибий тузилмалари билан узвий боғлиқ бўлиб, уни мамлакат барқарор иқтисодий ўсишни сақдаб қолиш ва 90-йиллар охирида иқтисодий ривожланган давлатлар қаторига ўтиш мақсадида амалга ошириб келди. Бунинг учун Жанубий Корея ҳар томонлама ўзининг илмий-тадқиқотчи ходимларнинг малакасини оширишга интилмоқда. Ҳукумат бундан кейин ҳам ИТТКР1га Жанубий Корея саноати тузилмасининг технологик янгиланиши жараёнини таҳлил қилар эканмиз, унинг айниқса 1985—1989 йилларда, ҳукуматнинг нарх-наволарни барқарорлаштириш сиёсати биринчи ижобий натижалар бераётган даврда айниқса кенг қулоч ёя бошлаганлигини

таъкидлаб ўтиш даркор. Айнан шу даврда қайта ишлаш саноатида қийинчилик билан жадаллашадиган ва кўп билимларни талаб этадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш хусусидаги тадқиқот ишларига йирик сармояларнинг сарфланганлиги кузатилган. Шу йилларда янги турдаги маҳсулотларнинг (ярим ўтказгичларнинг, видеомагнитофонларнинг, автомашиналарнинг, персонал компьютерларнинг, ташкилий техникаларнинг, микро тўлқинли печларнинг, магнитофон тасмаларининг ва шу кабиларнинг) ишлаб чиқарилиши соҳаларндаги ИТТКИ ишларига ҳар йилги инвестициялар ҳажми 82,5% дан ортган. Айни шу муддат ичида автомобилсозлик, электрон ва электротехник саноатдаги ИТТКИ га килинган харажатларнинг ўсиши тегишлича 168,7 ва 149,8% га етган.

Янги турдаги маҳсулотларнинг ялпи ишлаб чиқарилиши уларнинг тижорат жиҳатидан ишлаб чиқарилганидан кейин бошланган. Малакали муҳандислар, тадқиқотчиларга ҳамда ИТТКИ га капитал қўйилманинг юқори даражасига эга бўлган Жанубий Кореянинг қайта ишлови саноатини юқори даражадаги абсорбцион имкониятлари, оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши билан ялпи экспортни кенг қулоч ёйишига шароит яратди.

1985—1988 йилларда экспорт қиладиган асосий тармоқлар технологик ва кўп илм талаб қиладиган соҳалар бўлиб қолган. 1985 йилда электрон саноати 2,9 млрд. долларлик маҳсулотни экспорт қилган, бу эса мамлакатнинг угла йилда қилган жами экспорти ҳажмининг 9,5% ини ташкил қилган. Кейинги йилларда электрон саноати экспорти янада ортди ва 1988 йилда жами экспорт ҳажмининг 13% ини ташкил қилган. 1985 йилдан 1988 йилгача икки мартадан ҳам кўпайиб кетган. Бу меҳнат унумдорлигининг ортишини таъминлайдиган тўқимачилик саноатидаги янги жиҳозларга ва машиналарга килинган инвестициялар ҳажмининг ўсиши нағижаси эди. 1983—1985 йилларда бу тармоққа килинган ўртама йиллик инвестицияларнинг ўсиши 121,3% ни ташкил қилган.

Жанубий Корея ялпи истеъмолчиларга аталган юқори сифатли тўқимачилик буюмларининг ишлаб чиқарувчиси сифатида машхур бўлиб қолган. Ишлаб чиқариш қувватларининг янгиланишида тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар ҳам катта роль ўйнаган, уларнинг умумий ҳажми 1986—1989 йилларда қарийб 2,8 миллиард долларни ташкил қилган. Жанубий Кореяда хорижий сармояни жалб қилишнинг бу шакли мамлакат иктисодиётида етакчи ролни ўйнамаган. Бироқ 1984 йилдан кейин, ҳукумат хусусий хорижий инвестицияларнинг мамлакатга кириб келишини эркинлаштириш бўйича бир қатор чораларни кўрганидан ҳамда авваллари хорижий сармоядорлар учун ёниқ бўлган соҳалар очиб қўйилганидан кейин, хорижий сармоядорларнинг Жанубий Кореяга бўлган қизиқишлари бирмунча ортиб кетган. Аммо 90-йилларда Жанубий Кореяда ишчи кучи қийматининг ортиши сабабли (биз бу ҳаққа юқорида сўз юритган эдик) экспорт учун ишлайдигак мамлакатнинг ишлаб чиқариш қувватларига сармоя сарфлаш хорижий сармоядорлар учун бошқа янги индустриал мамлакатларга нисбатан унчалик жозибали бўлмай қолган. Тузилган шартномалар ва келиб тушган хорижий инвестициялар жам қилинганда улар ўртасидаги фарқи яққол кўзга ташланган. Жумладан, 1989 йилда расман рухсат берилган инвестициялар 1,09 млрд. долларни ташкил қилган бўлса, уларнинг амаддаги келиб тушиши атиги 812 млн. долларни ташкил қилган ҳолос.

2-БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ХУДУДЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

2.1. Корея Республикаси саноатида Шарқий ва Марказий ҳудудларнинг тутган ўрни

Канвондо вилояти Корея ярим ороли марказий қисмининг шарқида жойлашган. Унинг катта қисми қалин ўрмонлар билан қопланган ва гўзал манзара касб этади. Ажойиб табиий шароитларга кўра Канвондо вилояти

1999 йилда Осиё қишки ўйинлари ўтказиш учун жуда ҳам қулай ерга айланди. Айнан шу йили 11 сентябрдан 30 октябргача бу ерда Ҳалқаро сайёҳлик кўрғазмаси ўтказилган. 390 км.га, Хвачжинпходан Пусангача чўзилиб кетган шарқий соҳил бўйи кескин ўйилган ва такрорланмас гўзалликдаги тоғлар билан қопланган. Чанғида учиш ва бошқа қишки спорт турлари бу ерларни йил бўйи дам олиш ерига айлантирган. Бир қанча тоғ чанғи курортлари сунъий қор тайёрловчи махсус машиналар билан жиҳозланган ва бунинг эвазига чанғи учиш мавсуми март ойларигача давом этади. Бундан ташқари ёзги мавсумда сувда сузиш, кузги мавсумда алпинизм билан шуғулланиш яхши йўлга қўйилган.

Канвондо вилоятининг пойтахти Чхунчхон шаҳрида ҳар йили август ойида Чхунчхон қўғирчоқлар фестивали ўтказилади. Бу фестивалда бутун дунёнинг қўғирчоқ театрлари иштирок этади.

Уллиндо ороли Шарқий денгиз сувларидан кўтарилиб турган, сўнган вулқон бўлиб, Пхохан шаҳрининг шимоли-шарқидан 217 км.да жойлашган.

Токто ороли Уллиндо оролидан 87,4 км.да, жануби-шарқда жойлашган. Кимгансан (Олмос тоғлар) тоғи Корея ярим оролининг энг манзарали жойидир ва бу ернинг табиати дунё мўжизаларидан бири деб ҳисобланади.

Чхунчхонпукто вилояти ва Чхунчхоннамдо ярим орол марказининг ғарбий қисмида жойлашган. Чхунчхонпукто – денгизга чиқиш йўли йўқ ягона ички вилоятдир. Тэчжонда ҳукумат бинолари мажмуаси қурилгач ва Чхончжу ҳалқаро аэропорти очилгандан сўнг, Чхунчхон вилояти пойтахтлари нафақат миллий иқтисод ривожланишининг стратегик муҳим марказига айланиб қолмай, мамлакат марказий ҳудуди учун ҳалқаро ҳаво дарвозаси вазифасини ҳам ўтай бошлади. Сеулнинг жанубий қисмида жойлашган Тэчжон Сеул-Пусан ва Сеул-Кванчжу- Мокпхо темир йўлининг асосий боғлами бўлиб хизмат қилади. Тэчжон Корея Республикасининг илм-фан ва технологиялар тараққий этаётган асосий марказлардан бирига айланмоқда.

Пэкче қироллигининг пойтахти Пуёда Давлат музейи жойлашган. Бу ерда 7000 га яқин қадимий мамлакатнинг нодир буюмлари сақланади. Бу ҳудуд қачонлардир Пэкченинг маданий маркази бўлган, шунинг учун бу ерда кўплаб ноёб маданий ва тарихий буюмлар сақланган. Кўплаб тоғ чўққилари ва Собэксан тоғ тизмаси бўйлаб жойлашган ҳудуд тарихий обидалар ва миллий хазиналарга бой. Бу ерда етти қаватли тош пагода, Ёндус будхонасининг темир флагштоки, Пхальсанчжон павильонининг ёғоч гумбази, Сандансансон кўрғони, Хёнчхунс монастири ва Чхуннёльс будхонаси мавжуд. Бу тарихий ёдгорликлардан ташқари кўплаб машҳур будхоналар, монументлар, миллий боғлар ва иссиқ булоқлар ҳам бор. Марказий Кореянинг тоғли ҳудудида жойлашган Чхунчжухо кўлида турли спорт турлари билан шуғулланиш учун барча қулайликлар яратилган. Чхунчжу боғлари Корея Республикасининг ҳар бир бурчагига ширин олма мевасини етиштириб беради. Бу ҳудуд сариқ тамаки, женшен етиштиришга ихтисослашган.

2.2. Корея Республикаси саноатида Жануби-ғарбий ва Жануби-шарқий ҳудудларнинг тутган ўрни

Корея Республикасининг жануби-ғарбий ҳудуди Чоллапукто ва Чолланамдо вилоятларини ўз ичига олади. Ҳудуд текисликлардан иборат бўлиб, асосан шоли етиштирилади. Бу - шарқда иссиқ иқлимли, шимолда тоғлар билан ўралган, ғарб ва жанубда осуда дангиз сувлари ва кўплаб ороллар билан ўралган ҳосилдор ҳудуддир. Континентал иқлим ва океан таъсирида бу ҳудуд ҳаво шароитининг хилма-хиллиги билан фарқ қилади.

Чончжу шаҳри Кореяда анъанавий пибимпап таоми билан донг таратган. Бу таом гуруч, қовурилган гўшт ва сабзовотлардан ва ханчжи – тут дарахтидан тайёрланган анъанавий корейс қоғозидан тайёрланади.

Намвон шаҳри Чирисан тоғидаги миллий боғга йўл очиб беради. Бу шаҳар, бу ерда яшаган миллий қахрамонлардан бири бўлмиш Чхунхяннинг

уйи жойлашганлиги сабабли машхур бўлган. Чирисан тоғида Корея Республикасининг иккинчи энг баланд чўққиси жойлашган. Бу кенг тоғ тизмаси уч вилоят оша – Чоллонамдо, Чоллапукто ва Кёнсаннамдо бўйлаб ястанган.

Кванчжу шаҳридаги Давлат музейида, бундан 600 йил муқаддам Синан яқинида чўкиб кетган хитой савдо кемасидан топилган хитой сопол буюмлари коллекцияси сақланади. Кванчжудан 22 км. шимолий қисмда Тамян жойлашган, у бамбук етиштириш ва маҳаллий хунармандчилик маркази ҳисобланади.

Кореянинг жануби-шарқий ҳудуди Кёнсанпукто ва Кёнсаннамдо вилоятларини ўз ичига олади, маданий мерос ва тарихий обидаларга жуда бой ҳудуддир. Кёнчжу шаҳрининг бутун ҳудуди минг йил давомида Силла қироллигининг қадимий пойтахти бўлган. Ҳозирги кунда эса бу очик музей шаҳридир. Кёнчжунинг икки ажойиб хазинаси – Пульгукса будхонаси ва унинг яқинида жойлашган Соккурам ғор-будхонаси мавжуд. Бу икки тарихий обида 8 асрда бунёд этилган ва Шарқий Осиёда кенг тарқалган нафис будда санъатини намоён этади. Кёнчжу Давлат музейида шаҳар ва унинг атрофидаги вайроналаридан топилган археологик ёдгорликлар намойиш этилган.

Хэинса монастири, бу ерда Шарқий Осиёдаги будда сутрларининг тўлиқ тўплами бўлган Трипитака Кореана сақланганлиги туфайли машхур бўлган. Трипитака Кореана 13 асрда 80 минг ёғочдан ясалган тахтачаларда битилган асардир.

Кёнчжу тарихий шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда тез суръатлар билан ривожланаётган марказлар – Пхохан ва Ульсан жойлашган. Жануброқда Пусан – Корея Республикасининг асосий порти ва катталиги бўйича мамлакатнинг иккинчи шаҳри жойлашган.

Андон – мамлакатнинг эски корейс анъаналарига амал қилувчи бир бурчак, конфуций анъаналари сақланган бешик деса ҳам бўлади. Хахве –

Андон яқинидаги кичик бир қишлоқ бўлиб, ажойиб ниқоблар, Хахветхальчхум рақс намойишлари учун ниқоблар тайёрланадиган жой.

Жануби-шарқий ҳудуднинг ғарби ва шимолида замонавий ускуналар билан жиҳозланган йирик ҳалқаро сайёҳлик мажмуалари бунёд этилган. Бу ерда ҳордиқ чиқариш ва спорт билан шуғулланиш учун барча қулайликлар мавжуд.

Чечжудо ороли мамлакатда табиати яхши сақланган ягона вилоятдир. Бу орол Корея Республикасидаги энг яхши курортлардан бири ҳам. “Кичик Гавайя” номи билан танилган бўлган бу орол ўзининг вулқонли ландшафти, манзарали субтропик кўриниши, қумли пляжлари, шаршаралари ва пиёда сайр этиш учун сайёҳларга яратилган шароитлари билан машхур, дунёдаги энг яхши дам олиш жойлари ўнталигига киради ва бу ерга йилига 4 млн. киши дам олишга келади. Чечжудонинг иқлими юмшоқ субтропик. Ўсимлик дунёсива оролнинг кўриниши Корея қитъасидан кескин фарқ қилади. Оролда икки мингдан ортиқ ҳайвон турлари яшайди. Оролдаги энг баланд тоғ Халласан тоғи бўлиб, унинг баландлиги 1950 м., бу чўққисида кратер ҳосил бўлган, ўчиб қолган вулқондир.

Сайёҳларни жалб этувчи жойлар сифатида Халқ ижодиёти ва табиий фанлар музейини, Чунмун курортини, Чхончжиён шаршарасини ва Чечжу Ҳаёллар катта Боғини айтиш мумкин.

1973 йилда Хонам ва Намхэ катта автомагистралларининг қурилиши натижасида бу гўзал оролга сайёҳларнинг келиши кўпайди.

2.3. Кэсон саноат мажмуасининг Корея Республикаси саноатидаги истиқболи

Кэсон саноат мажмуаси қуриб тугатилгач, йирик саноат марказига айланди. Бу мажмуада Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларнинг завод ва ишлаб чиқариш корхоналари жойлаштирилади. Мажмуа 6 минг 536 Га майдонда уч босқичда бунёд этилмоқда: мажмуа шаҳардаги 2 минг 616 Га

майдонда қурилган, ёрдамчи объектлар эса шаҳар атрофидаги туманларда жойлаштирилган.

2004 йилда заводнинг синов қурилиш майдонлари 15 та ишлаб чиқариш корхоналарида очилди. 2008 йилда лойиҳанинг биринчи босқичида ўзлаштириш кўзда тутилган майдоннинг 16,4 Га майдон участкалари қурилиши тугатилди ва ижарага берилди. Жанубий Корея Шимол билан ҳамкорликда, Кэсон саноат мажмуасини ривожлантириш ва саноат корхоналарида ишлаш учун инфра тизимни кенгайтириш борасида меҳнат қонунчилиги тадбирларини ишлаб чиқмоқда. Кэсон саноат мажмуаси лойиҳаси ҳар икки Корея учун ҳам фойда келтиради, чунки у Жануб маблағи ва технологияларини, Шимол ерлари ва меҳнат ресурсларини бирлаштиради. Кэсон Сеул ва Пхеньян ўртасида жойлашган. Корея Кэсон саноат мажмуасига мамлакатни очиш ва ҳамкорликка тайёр эканлигини кўрсатиш имконини намоён этиш сифатида қарайди. Кэсон саноат мажмуаси ўзаро ишонч қуришда муҳим аҳамиятга эга, бу эса Шимолий Кореянинг тез суръатларда ўзгаришига шароит яратади. Кэсон саноат мажмуаси Корея ярим оролидаги таранг муносабатларнинг юмшаши ва кореялараро алмашинув ва ҳамкорликнинг кенгайишига хизмат қилувчи лойиҳадир.

ХУЛОСА

Корея Республикасининг иқтисодиёти ўзининг кўлами жиҳатидан дунёда 10-ўринда туради ва кўп жиҳатдан муваффақият намунаси бўлиб хизмат қилади. 2008 йилда савдо ҳажми 690 млрд. долл. ташкил этди ва дунёда 12-ўринни эгаллади. Шу қаторда Корея Республикаси валюта захирасининг ҳажми бўйича дунёда тўртинчи ўринда туради. Нефт баҳосининг юқорилиги, вонанинг кучлилиги ва хом-ашё нархининг ошишига карамай, Корея республикасининг иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. Корея Республикаси дунёдаги энг йирик кemasозлардан биридир: ярим ўтказгичлар ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринда, рақамли электрон апаратупалар ишлаб чиқариш бўйича эса тўртинчи ўринда туради. Тўқимачилик, нефт-кимё, пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича мамлакат бешинчи ўринни эгаллайди, автомобил ишлаб чиқариш бўйича дунёда олтинчи ўринни эгаллайди. Сўнгги уч йил ичида кemasозлик соҳаси Жанубий Корея саноатининг етакчиси бўлиб келмоқда.

Жаҳонда йирик автомобил ишлаб чиқарувчи деб ҳисобланган Корея Республикаси йилига уч миллиондан ортиқ автомашина ишлаб чиқаради. 1976 йилдан сўнг, мамлакат биринчи марта автомобил экспорт қила бошлагач, автомобилсозлик жадал ривожланиб кетди.

1960 йиллардан бошлаб Корея Республикаси тегишли қонун ва қоидалар қабул қилиб, экспортни рағбатлантиришга қаратилган ривожланиш режаларини ривожлантира бошлади. 1970 йилларда асосий кимё саноати мамлакат иқтисодий сиёсатининг диққат марказида бўлди, 1980 йилларда эса саноат тизимини қайта қуриш ишлари ўтказилди. Бундан асосий мақсад - кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришга қаратилган эди.

2000 йилдан бошлаб технологиялар ва янгиланиш мамлакат олдида турган масалалар ичида биринчи ўринга чиқди. Янги технологияларни саноатга татбиқ этиш учун Корея Республикаси фаол ишбилармонлик билан боғлиқ бўлган соҳаларни, шунингдек катта компаниялар, кичик ва ўрта

корхоналар билан ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган сиёсатни илгари сурди. Қисқа муддатлар ичида самарали ўсиш тажрибасига эга бўлган Корея Республикаси ҳозирги кунда ўз диққати ва ҳаракатини “ўсиш сифати”га қаратмоқда.

Корея Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги 15 йил ичида икки баробарга ўсди. 2008 йилда 4,8 тонна шоли етиштирилди. Мамлакатда мева, сабзавот ва бошқа даромад келтирувчи экинлар етиштириш ҳам ўсди, гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бериш ортди.

Саноатнинг ривожланиши қишлоқ аҳолиси сонининг камайиб кетишига олиб келди. Бу муаммоларни ҳал этиш, қишлоқ ҳудудларда ишчи кучи етишмаслиги муаммосини ҳал этиш мақсадида фермер хўжалиklarини механизациялаштириш бошланди. 1970 йилларнинг бошларида мамлакатда ўрмонларни тиклаш дастури амалга оширила бошлади, бу дастур янги дарахтлар экиш, тоғли ҳудудлардаги эски ўрмонларни сақлаб қолишдан иборат. Бундан ташқари, касалга ва зараркунанда ҳашоратларга чидамли дарахт турларини келтириб чиқариш устида иш олиб борилмоқда.

Сўнгги йигирма йил ичида, янгиланиш натижасида мамлакатда балиқчилик саноатида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бу соҳа валюта тушумининг муҳим манбаига айланиб қолди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Назаров А. Кореялик ишблармонлар ташрифи. Халк сузи – 2005, 28 янв. 1б.
2. Жанубий Корея Республикаси экологияси 2003. № 95, 29 ноябр. Б.13
3. Вести Интернета №9 Май Т,ТГЭУ 2004, 117с. 700
4. Инкотермс: Последняя редакция. Официальный перевод СПб 2004 – 72с.
5. Симатов Г. Малый и средний бизнес в Корее. Деловой партнер Узбекистан, 2000 - Учебно-методическое пособие. Т. ТГЭУ, 2005 – 72с.
6. Ходов Л.Г. Государственное регулирование импорта в РК. Внешняя торговля 2001 - №5, 6 с.35
7. Федоровский А, Димитров Д. Развитие интеграционных процессов в АТР. Роль и приоритеты Ю.Кореи МО и МЭ 2002 №6, с55
8. Экономика региона (технологии деловой активности) М, 1999 Список Страны мира. Краткий политико-экономический справочник. 1996
8. Радионова И.Н. Экономическая география отдельных зарубежных стран. «Московский лицей», 1997.
9. Географическая карта мира, часть 1. Общая характеристика мира. Максаковский В.П. Ярославль, Верхневолжское книжное издательство, 1996.
10. Дашков и Ко Финансовые инвестиции на рынке ценных бумаг. М. Изучение торговой корпорации , 2004-444с.
11. Андрианов В.Д. Роль государства в формировании механизмов устойчивого динамического развития в Республика Корея // Проблемы Дальнего Востока. -1995. -№1.-с. 80-91
12. Бубенников А.А, Бубенников. А.Н., Мамарыкин Г. Взлет южнокорейского дракона в стратосферу высоких технологий. // Проблемы Дальнего Востока. -1994.-№1.-с.54-65.
13. Мансуров А.Ю., Михеев В.В. Финансово-промышленные группы в экономике Республика Корея // Проблема Дальнего Востока. -1988 -№4. С.39
14. Сип Хён Хвак. Республика Корея Корея: Нелёгкий путь к процветанию.// Проблемы Дальнего Востока. -1990. -№5. - с 18-24.

15. Суслина С.С. Промышленность Республика Корея. -М: Наука, 1988. - 216с.
16. Чибриков. О финансово-промышленных группах // Российский экономический журнал. -1994. -№2. С.82-86
17. Справочник «Корея» Сеул 1993 год Корея: Цифры и факты.